

**Пудрат шартномаси**  
(Жорий таъмирилаш)

05.09-2022-60

2022 йил "23" 05

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Сурхондарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор А.Бокиев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган YANGI O'ZGARISH МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи :Ш.Холбоев иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПК-172-сонли "Обод кишлок" ва "Обод махалла" дастуриларини амалга ошириш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги карорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шахар) хокимликлари тасаруфилда бўлган ички хўжалик ишларида Республика бюджет маблаглари хисобидан таъмирилаш ишлари бўйича 2022 йил учун дастлабки 05.04.2022 йилги №12 Манзилли дастурига асосан ҳамда, 18.05.2022 йилдаги №77109 сонли лот Протокол карори 2022 йилда РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТ МАБЛАГЛАРИ ҳисобидан таъмирилашини белгиланган Сурхондарё вилояти Қумқўргон тумани Исломобод МФЙ Навбаҳор асосий кучасини жорий таъмирилаш (Асфальт коплама) га доир мазкур пулрат шартномасини туздилар.

### 1. Таърифлар

#### **I. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:**

**"ижро хўжатлари":** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хўжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартиблаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка хўжатлар:

**"курилиш майдони":** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади.

**"вактинчалик ишлар":** Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вактинчалик бинолар ва ишшоотлар.

**"беркитилган ишлар":**- сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиши:** ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари кийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

#### **II. Шартнома мавзуси**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиха-смета ва экспертиза хulosасига келишилган муддатларга асосан Сурхондарё вилояти Қумқўргон тумани Исломобод МФЙ Навбаҳор асосий кучасини жорий таъмирилаш (Асфальт коплама) ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

#### **III. Шартнома бўйича ишлар киймати**

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг карори (18.05.2022 йилдаги №77109 сонли лот Протокол қарори) билан тасдиқланган баенномага асосан барча соликлар, йигимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 659 000 000 (олти юз эллик туккиз миллион) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- курилиш киймати ва кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгаришилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортикка ўзгаришилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хўжатларида белгиланган тартибида амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "\_1a\_" иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажми ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- "1\_" иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи суюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни кабул килиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмунини, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;

- объектда тасдиқланган лойихага мувофик курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

- курилиш таваккалчилигини сугурта килиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари,

анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактичалик бинолардан бушатиш;

курилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

курилиш жараёнида жалб килинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариши ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун яроқти бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий йўл курилиш сифати техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги конунчилик хужжатларига мувофик кабул килиб олиши таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига "1Б" иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган холда миллий валютала (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинганда шартнома конун хужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва аниқланган муддатда ишларни тўлик якунлайди..

12. Курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан **60 кунни ташкил этади.** (бажарии графикага асоссан)

13. Мазкур шартнома бўйича ишларнинг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига (1а-илова) мувофик амалга сширилади.

## VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий кийматининг 30 % миқдорида, аванс ўтказади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (16-илова)

16. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган ишларини "Маълумотнома-хисоб-фактура"га асрсан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматнинг 70 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий кийматнинг қолган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда кабул килингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар кийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқукини ўзида саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда. Пудратчи бу ҳақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равиша хабарлор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш ҳуқукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. Ишларни бажариши

20. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – Техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратини амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади. Аниқланган камчиликларни ўз вактида бартараф этиш бўйича барча чораларини кўради, мунтазам равиша олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равиша хабардор килиб боради.

21. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқукига эгадир.

22. Пудратчи Техник кузатувчи ишлар учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равиша катишади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажариши мустакил равиша ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишида Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва этишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўгрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тұғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 күн муддатда курилиш майдонини белгилаш бүйіча ишларни бажариш ва объектни болгаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нұкталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нұкталары, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тұғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари үлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тұғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиши ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нұкталаридан янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда құлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларидан күрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алохида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 күн олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равища хабардор килади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиiddий таъсир кильмайдиган иш хужжатларидан майда четга чишишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кибиматини кўпайтирилмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини гаъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаринига мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тұлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидирали ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугалланунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарины юритади. Дафтarda бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудрагчининг ўзаро муносабатларидан ахамиятга эга бўлган холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилishi, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олинниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик тұхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тұғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 күн муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни кўриклаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари түсилган курилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошка мол-мұлұқ зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва инишотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мұлқлар объект қабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгіб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгіб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартномасининг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки гўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгіб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равиша узайтирилади.

42. Агар енгіб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактла чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

43. Агар томонлар иккى ой ичидә келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хақидир.

#### **XI. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш**

44. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш шартномаси имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тұғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 күн мобайнида қабул килиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V чиги мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги иккى нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха хужжатлари хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофик бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килиниши;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланаб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг иккى томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларида нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичига бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чикиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истиносно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор килиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган холда.

- пудратчи томонидан бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

54. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибида бошкача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0,1 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

60. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5% фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажариш графигида 2021 йил учун белгиланган иш хажми киймагининг бажармаган қисмидан Буюртмачига I мөндорида жарима тўлади.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган шартнори коплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи хужжатларига шу вофик бўлмаса у холда Буюртмачи қурилиша Давлат назорати инспекциясининг холосаси асосида обьектни кабул килиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20% фоизи мөндорида ундириш хукукига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкacha тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки берииш хукукига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай келишувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равиша тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод килиш санаасигача бажарган ишлари учун хак тўлашни кечикиришга ҳақидидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган З нусхада тузилди.

72. Мазкур шартнома 31.12.2022 йилгача амал қиласди.

Буюртмачи:

Пудратчи:

“Сурхондарё минтақавий йўлларга  
буюртмачи хизмати” давлат унитар  
корхонаси

YANGI O'ZGARISH MCH

Термиз шахар Олмазор кўчаси 42-үй

Тел: 221-26-35 Факс 221-19-22

Кумкургон тумани Кетман каттакул МФЙ

ИНН: 304985647 ОКОНХ: 70220

ИНН: 306 266 075 ОКЕД 42110

Ш/x: 304521860222147045129118014

НДС 322090165626 МФО 01032

x/p 2020 8000 605 046 108 001

Ғазначилик бўлинмаси номи: Узбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги  
Ғазна: x/b 23402000300100001010

Капитал банк термиз булими

ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014

Ғазначилик булим ИНН: 201122919

Директор

А.Бокиев



Ш.Холбоев

Ушбу шартнома мазмуни амалдаги Узбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тартибидан” конуни ва бошка конун хужжатлари таъбларига мос холда тузилган.

«20» 05 2022 йил Ф.Тураев

Сурхондарё вилояти Кумкўргон тумани Исломобод МФИИ Навбахор асосий кучасини жорий таъмирлаш (Асфалт коплама) объектининг \_\_\_\_\_ сонли шартномасига - иловга

Сурхондарё вилояти Кумкўргон тумани Исломобод МФИИ Навбахор асосий кучасини жорий таъмирлаш (Асфалт коплама) объектининг \_\_\_\_\_ сонли шартномасига - иловга

### БАЖАРИШ ГРАФИГИ

№	Амалга ошириладиган ишлар	Ниллар	2022 йил												Объектининг умумий қиймати	
			I-квартал			2-квартал			3-квартал			4-квартал				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Курилиш-монтаж ишлари	2022					659 000 000,0									659 000 000
	Жами			-	-	0,0		659 000 000	0	0	0	-	-	-	659 000 000	



Буюрни маҳалла



"YANGI  
OZBEKISTON  
TURKONDARYO VILOVATI CHEKLARI  
M.CH.N.J."

Сурхондарё вилояти Кумкўргон тумани Исломобод МФЙ Навбаҳор асосий кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама) объектининг \_\_\_\_\_ соили шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Кумкўргон тумани Исломобод МФЙ Навбаҳор асосий кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама) объектининг \_\_\_\_\_ соили шартномасига - илова

**МОЛНЛАШТИРИШ ГРАФИГИ**

Молнлаштириши шартлари	Йиллар	Шу жумладан ёйлар												Жами
		январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Инвалид мешъяжимини жартиялган аванс маблагни	2022 йил					197 700 000,0								197 700 000
Ажратилган аванс маблагнининг обйлар бўйича тақсимланадиган мисми	2022 йил					197 700 000,0								197 700 000
Ажратилган аванс маблагнин инебатга олиб, бажарилган ишларни молнлаштиришга жартиялган маблаг	2022 йил					461 300 000								461 300 000
Жами	2022 йил		0	0		659 000 000	0,0	0,0	0,0	0	0	0	0	659 000 000
Жами молнлаштириладиган маблаг														



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 77109 на приобретение Қумқўрғон тумани Исломобод МФЙ Навбахор асосий кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама)**

Способ проведения электронный

Дата 18.05.2022

Время рассмотрения 17.05.2022 13:37

Конкурсная комиссия Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK (Qumqo'rg'on) Fond-2020, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Бош мухандис	Сурхондарё МИБХ
<b>Секретарь комиссии</b>	RAXIMOV SOBIR XUDOY BERDIYEVICH	Булим бошлиги	Сурхондарё МИБХ
<b>Член комиссии</b>	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LΙ	Бош мутахассис	Сурхондарё МИБХ
<b>Член комиссии</b>	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Бош мутахассис	Сурхондарё МИБХ
<b>Член комиссии</b>	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Лойиха булим бошлиги	Курулиш
<b>Член комиссии</b>	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LΙ	Булим бошилик	Сурхондарё МИБХ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.05.2022 года № лота 77109.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог</b>
Подробное описание	Қумқўрғон тумани Исломобод МФЙ Навбахор асосий кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	671 901 000.00
Стартовая сумма	671 901 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Бинарное значение

Описание: Танловда иштирок этувчи ташкилот ҳақида умумий маълумот гувохномаси, СОҲАВИЙ ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИда автомобил йуллари ва куприкларда рейтинг курсаткичи мавжуд булиши шарт. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар). Ишлаб-чикариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли

1 та мутахассисни мавжудлиги. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудли

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YANGI O'ZGARISH MCHJ	20	1	20	Экспертная		
ООО CONTACT SILK TRANS	20	1	18	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	18	Экспертная		

Критерий №2 Машина ва механизмлар рўйхати

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) курилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилади). Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирлиқдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YANGI O'ZGARISH MCHJ	20	1	18	Экспертная		
ООО CONTACT SILK TRANS	20	1	18	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	16	Экспертная		

Критерий №3 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: "Охирги 3 йил давомида Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш."

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YANGI O'ZGARISH MCHJ	20	1	20	Экспертная		
ООО CONTACT SILK TRANS	20	1	16	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	16	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Бинарное значение

Описание: "Иштирокчининг банкидан картатека йуклиги хакида маълумот, Солик органларида соликдан карзи йуклиги тургисида тасдикланган маълумот, Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп

Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қиливчи банк томонидан тасдиқланган айланма мабла

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YANGI O'ZGARISH MCHJ	20	1	20	Экспертная		
ООО CONTACT SILK TRANS	20	1	18	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	16	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО CONTACT SILK TRANS	671 901 000.00	671 000 000.00	16.05.2022 13:09:30	19.64
YANGI O'ZGARISH MCHJ	671 901 000.00	659 000 000.00	14.05.2022 10:56:49	20.00
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	671 901 000.00	670 901 000.00	16.05.2022 14:10:30	19.65

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО CONTACT SILK TRANS	70	19.64	89.64
YANGI O'ZGARISH MCHJ	78	20	98
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	66	19.65	85.65

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 77109 от 18.05.2022 года на приобретение Кумкўрғон тумани Исломобод МФЙ Навбахор асосий кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама) определила победителем:

YANGI O'ZGARISH MCHJ  
306266075

и резервный исполнитель: ООО CONTACT SILK TRANS (301727422)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	
Член комиссии	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Согласен	
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LII	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri , Taraqqiyot ko'chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT "Турон" bank Tel-Fax:  
(376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru [www.mc.uz](http://www.mc.uz)

Holati: Ijobiy

Direktor: Doniyorov Anvar Abdullayevich

Sana:14-04-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 36691**

**Obyekt nomi** «Surxondaryo viloyati Qumqo'rgon tumani "Islomobod" MFY Islomobod qishlog'i xududidagi ichki yo'llarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida 2022 yilda joriy ta'mirlash ishchi loyixasi bo'yicha»

**Buyurtmachi** - "Surxondaryo viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati" DUK

**Bosh loyihachi** - "Termiz bino inshoot ko'priq yo'l loyixa" MChJ

**Litsenziya** AL-001973 sonli 22.11.2021 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi tomonidan berilgan

**Moliyalashtirish manbai** - Byudjet mablaglari

**Bosh pudratchi** - Tanlov savdo natijalariga ko'ra aniqlanadi

**Qurilish turi** Joriy ta'mirlash

**Murojaat raqami:** № 36571

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18-martdagi PQ-172-soni "Obod-qishloq" va "Obod-maxalla" dasturlarini amalga oshirish chora-tadbirlari tug'risidagi qarori.

1.2. Qumqo'rg'on tuman hokimi o'rinnbosari tomonidan kelishilgan va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasi.

1.3. Buyurtmachining tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan loyixalash uchun topshiriq.

1.4. Surxondaryo viloyati avtomobi yo'llari xududiy bosh boshqarmasi va Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan qurilish ishchilarining ish haqi, mashina va mexanizmlarning ekspluatatsiyasi, tovarlarni tashish, qurilish materiallari, pudratchining boshqa xarajatlari narxlari kelishuv bayonnomasи.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

ShNK 1.03.01-16 talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan ishchi loyiha.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

Ushbu loyiha, Surxondaryo viloyati Qumqurg'on tuman "Islomobod" MFY Islomobod qishlog'i xududidagi ichki yellarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida joriy ta'mirlash maqsadida amalga oshirish rejalashtirilgan.

Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasiga asosan, joriy ta'mirlashda ko'chalar kesimida:

- *Gulzor ko'chasi L=550 m b-4,0m; Bulak tepa ko'chasi L=855 m b-4,5m; Navbaxaor asosiy ko'chasi L=1700 m b-4,5m* quyidagi ishlar, saralangan QShA dan tekislovchi qatlam yotqizish va ustidan bitum sepish hamda mayda donali issiq asfaltobeton qoplamacadan N-5 sm qalinlikda qoplama yotqizish.
- *Istiklol asosiy ko'chasi L=1700m b-4,5 m* *Istiklol ko'chasi L=660 m b-4,5m* bo'lib, saralangan QShA dan tekislovchi qatlam yotqizish va M-300 beton 18 sm qalinlikda qoplama qurish va 10 sm kalinlikda QShA dan qoplama chetlarini mustaxkamlash.
- *Navbaxor-1 ko'chasi L=520 m b-4,0m; Navbaxor-2 ko'chasi L=615 m b-3,5m; Navbaxor-3 ko'chasi L=780 m b-3,5m; Taylok ko'chasi L=790 m b-4,0m; Istiklol ko'chasi L=1340 m b-4,0m; Istiklol-2 ko'chasi L=630 m b-4,0m; istiklol-3 ko'chasi L=240 m b-4,0m; Istiklol-4 ko'chasi L=515 m b-4,0m; Istiklol -5 ko'chasi L=725 m b-3,0m; Istiklol -6 ko'chasi L=545 m b-4,0m; Istiklol-7 ko'chasi L=210 m b-3,5m; Gulzor ko'chasi L=705 m b-4,0m; Gulzor-1 ko'chasi L=490 m b-4,0m; Gulzor-2 ko'chasi L=520 m b-3,5m; Buiaktepa ko'chasi L=2290 m b-4,5m; Buiaktepa-1 ko'chasi L=225m b-4,0m ; Bulaktepa-2 ko'chasi L=2215 m b-4,0m; Buiaktepa-3 ko'chasi L=1200 m b-3,5-4,0m* kismlariga saralangan QShA dan 20 sm qalinlikda asos qatlam yotqizish ishlari ko'zda tutilgan.

#### **4. Qurilish ishlarning davomiylik muddati**

QTL taqvimiyligi jadvaliga ko'ra qurilish davomiylik muddati 6 oyni tashkil qiladi.

#### **4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

#### **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

#### **6. Ekspertiza natijalari.**

Taqdim etilgan loyixani qurilish ishlari qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) bilan- **4 121 057.927 ming so'mni** tashkil qilgan bo'lib, ekspertiza natijasiga ko'ra, taqdim etilgan qiymati **82 056.257 ming so'm** miqdorida kamaytirilib **-4 039 001.670 ming so'mga** tasdiqlash uchun tavsiya etildi, shu jmladan:

- QMI.....-3 344 928,919 ming.so'm,
- QQS.....- 501 739,338 ming.so'm,
- buyurtmachining boshqa xarajatlari.....-192 333,413 ming.so'm.

Ob'ektning umumiy qiymati ichida ko'chalar kesimidagi qiymati, ming so'mda

N	Yo'llarning nomi	Smeta bo'yicha jami	Shu jumladan buyurtmachi BX
1	Istiklol asosiy kuchasi L-1,7 km	1 264 534,877	60 215,947
2	Navbaxor asosiy kuchasi L-1,7 km	705 496,166	33 595,056
3	Navbaxor kuchasi L-1,915 km	122 777,563	5 846,551
4	Toyllok kuchasi L-0,790 km	60 502,102	2 881,052
5	Istiklol kuchasi L-4,205km	293 494,773	13 975,942
6	Gulzor kuchasi L-1,715 km	123 579,380	5 884,732
7	Bulak tepa kuchasini L-5,960km	436 756,603	20 797,933
8	Istiklol kuchasi L-0,660km	490 937,072	23 377,956
9	Gulzor kuchasi L-0,5km	198 759,639	9 464,745
10	Bulak tepa kuchasi L-0,855km	342 163,493	16 293,500

Ko'payishga buyurtmachi xarajatlarining tugirlanishi va ayrim qurilish materiallari narxlarini aniqlashtirish natijasida erishildi.

6.3. Ushbu joriy ta'mir ishchi loyihasi buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasiga asosan tekshirildi va "Shaxarsozlik hujjatlari ekspertizasi" DUK nuqsonlar qaydnomasida keltirilgan ish xajmlarining haqqoniyligi va asosligiga javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

6.4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17-sentabrdagi 579-sonli qarorining 7-ilovasiga muvofiq.

- yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugaganidan so'ng nazorot o'Ichovi natijalari asosida aniqlanadi;
- ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan xujjalarning to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyixa yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

## **7. Xulosalar.**

7.1. Ekspertiza natijalarini xisobga olgan xolda "Surxondaryo viloyati Qumqurg'on tuman "Islomobod" MFY Islomobod qishlog'i xududidagi ichki yullarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida 2022 yilda joriy ta'mirlash" ishchi loyixasi bo'yicha joriy ta'mirlash ishchi loyixasi bo'yicha qiymatini kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya qilinadi.

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 6 martdagи 261 sonli qaroriga va ShNK 04.01.06-09 asos tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos bo'la olmaydi va erkin tanlov savdosining boshlang'ich qiymatini yakuniy aniqlash huquqi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi.

**Bosh mutaxassis:** Soatmurodov Boxodir Allamurodovich